

Асилбек НИЁЗБЕРДИЕВ

КЕЛАҚОЛ БАҲОРИМ

Қарши
«Насаф» нашриёти
2019

Асилбек Ниёзбердиевнинг тенгдошлари қатори янги сўз айтишга, ўзига хос йўсинда баён қилишга интилаётган, фикрни образли тасвирлашга ҳаракат қилаётган ёшларимиз вакилидир.

Унинг келгуси ижодига улкан зафарлар тилаган ҳолда, меҳнат машаққатидан толмай, ўқиб ўрганишга умид қиламиз.

ЁШЛАР

Ўқинг эринмайин китоб ахтариб,
Билимга эргашиб бўлмайсиз ғариб.
Бир куни бизлар ҳам қоламиз қариб,
Марра бизникидир, эй доно ёшлар.

Келажак ҳаёти қўлимиздадир,
Биз қурган кенг равон йўлимиздадир.
Иморатлар ўнгу сўлимиздадир,
Марра бизникидир, эй доно ёшлар.

Ватанга халқсевар фарзанд бўлайлик,
Ишонган вориси дилбанд бўлайлик.
Оғизда эриган бир қанд бўлайлик,
Марра бизникидир, эй азиз ёшлар.

Шодликдан қувонсин боболар юзи,
Меҳр-ла нур сочсин порлоқ юлдузи.
Асилбекнинг айтган энг сўнгги сўзи,
Марра бизникидир, эй азиз ёшлар.

УСТОЗИМ

Устоз билан мунаввар олам,
Устоз ила ёруғдир жаҳон.
Қўлимизга тутқазиб қалам,
Она юртни танитган инсон.

Устоз ким деб берсалар савол,
У даҳодир тунни ёритган.
Нетай, сизга кетади ҳаёл,
Сиз донишсиз ғамим аритган.

Илк мактабга борган кунимни,
Унутмайман, устоз, ҳеч қачон.
Сизсиз ўтган сокин кунимни,
Таърифлашга йўқдир ҳеч имкон.

Соғинаман сизни ҳар нафас,
Дийдорингиз қўмсайди дилим.
Бўғзим ичра таралар бир сас,
Отам каби азиз муаллим.

СИЗНИ ҚЎМСАБ

Парчаланган юрак юракми,
Шундай юрак менга керакми.
Айтилмаган сўз ҳам тилакми,
Сизни қўмсаб адо бўлдимку.

Ўйлай десам ўйларим узун,
Армон дилга санчилган тугун.
Наҳот сизни соғиндим бугун,
Сизни қўмсаб адо бўлдимку.

Хаёлларим сиз томон елар,
Сизни ҳар дам мен кўргим келар.
Юрагимни бир армон тиглар,
Сизни қўмсаб адо бўлдимку.

Муҳаббатга йўқ экан даво,
Олислардан келар бир нидо.
Сизга бўлсин шу жоним фидо,
Сизни қўмсаб адо бўлдимку.

Шамолларга айтдим дардимни,
Қайдан билсин шамол қадримни.
Ҳеч ким билмас чеккан жабримни,
Сизни қўмсаб адо бўлдимку.

Соғинаман тунлари бедор,
Қалбим эса чекмоқда озор.
Йиғламоқдан бўлдимку безор,
Сизни қўмсаб адо бўлдимку.

Қайлардасиз, эй кўнглим моҳи,
Қийнамоқда қалбим оҳ-воҳи.
Озорлардан эзилдим чоғи,
Сизни қўмсаб адо бўлдимку.
Деразадан боқаман ҳайрон,
Дилгинам ҳам бўлдику вайрон.
Қайлардасиз кўзлари жайрон,
Сизни қўмсаб адо бўлдимку.

АЗИЗ УСТОЗЛАР

Сизнинг дуоингиз бизни қўллайди,
Сизлар соғ бўлсангиз боғим гуллайди.
Ёнимда турсангиз рангим сўлмайди,
Дуо килинг бизни, азиз устозлар!

Барчага бирдек муомала қилиб,
Покиза қалбингиз меҳрга тўлиб.

Билимни бердингиз бизларга кулиб,
Дуо қилинг бизни, азиз устозлар!

Кўнглимиз кўтариб юрдингиз ҳар чоғ,
Сизни шод кўрганда кўнглим бўлар тоғ.
Сиз ила орттирдим кўп яхши ўртоқ,
Дуо қилинг бизни, азиз устозлар!

САНАМЖОН

Гулим, бунча гўзал қалам қошингиз,
Йўлимни супураб сумбул сочингиз,
Билмам ҳозир неча бўлса ёшингиз,
Ҳуснингизга кўзим тушди ногаҳон,
Ошиқ этиб кўйдингизку, Санамжон!

Юзингизга шайдо бўлган ўзимман,
Йўлингизда пайдо бўлган ўзимман,
Ишқингизда адо бўлган ўзимман,
Юрак исмингизни такрорлар ҳар он,
Ошиқ этиб кўйдингизку, Санамжон!

Боқсам нигоҳингиз олиб қочасиз,
Тунда йўлларимга зиё сочасиз,
Сокин дарё мисол тўлиб тошасиз,
Наҳот ишқим сизга бўлмади аён,
Ошиқ этиб кўйдингизку, Санамжон!

Дунёда ўзингиз ёлғиз керагим,
Сизни деб урмоқда бедор юрагим,
Сиз менинг фариштам, гўзал малагим,
Асилбекнинг жони сиз учун қурбон,
Ошиқ этиб кўйдингизку, Санамжон!

ШУМИ ДЎСТГА САДОҚАТ

Ўксик қалбим чўктириб,
Тик қаддимни буктириб.
Юракда ёнмоқда дард,
Қалбим алдадинг номард.

Сени сирдошим дедим,
Буткул ишонган эдим.
Шуми дўстга садоқат,
Бунга қилолмама тоқат.

Ишончим синдирдинг-ку,
Қалбимни синдирдинг-ку.
Кўзда меҳр қолмади,
Сўзда меҳр қолмади.

Тор келди, кўзга олам,

Оқарди бошда толам.
Дардим тингламас ҳеч ким,
Афсус, дунёдан тўйдим.

ШОИР БЎЛИБ ТУҒИЛМАС

Бу дунёда ҳеч бир зот,
Шоир бўлиб туғилмас.
Юртини куйламаган,
Шоир ҳеч шоир эмас.

Шоирларнинг қалбида,
Эзгу ният жўр бўлар.
Юртини куйлаганда,
Осмонда қуёш кулар.

Дарду ғамни куйлаган,
Шоирлар кўп дунёда.
Ўз халқини ўйлаган,
Шоир бўлсин зиёда.

Оллоҳим шоирларга,
Ато этган яхшилик.
Шоирларнинг ҳаёти,
Доим шеър билан тирик.

Шеър туфайли шоирлар,
Бор дардини куйлайди.
Дарди бор инсонларнинг,
Доим дардин тинглайди.

Бу дунёда ҳеч бир зот,
Шоир бўлиб туғилмас.
Ватанини севмаган,
Шоир ҳеч шоир эмас.

ҚИШЛОҚ БОЛАСИ

Қалбинг орзуларга лиммо-лим тўлсин,
Бошингда бахт қуши чарақлаб қулсин.
Ота-онанг доим дуолар қилсин,
Юрақдан отилар мунгли ноласи,
Ўзингни шер деб бил, қишлоқ боласи.

Дилингда порлагай гулханнинг чўғи,
Сени кўллаб турар боболар руҳи.
Қалбингни тешмасин пайконнинг ўқи,
Қўзингда порлайди қуёшнинг нури,
Ўзингни шер деб бил, қишлоқ боласи.

Доимо халқингнинг хизматида юр,

Юрагингда бўлсин жўшқин бир сурур.
Бобонг бўлган буюк саркарда Темур,
Бошдан тўкилмасин сочинг толаси,
Ўзингни шер деб бил, қишлоқ боласи.

РАШКИМ ЁМОН

Ўзим ёмон эмасман,
Рашким ёмон, дўстларим.
Ўзга қизни демасман,
Удир қаро кўзларим.

Киприклари найза ўқ,
Юзи ойнинг юзидир.
Қизга асло таъриф йўқ,
Бу Асилбек сўзидир.

Қизғонаман ҳаттоки,
Уни кеча-кундуздан.
Авайлаб яшай токи,
Осмон тўла юлдуздан.

Юрагимнинг парчасин,
Бериб қўйдим гулимга.
Очдим кўнгиладарчасин,
Қарамасдан йўлимга.

Фариштами билмасам,
Ойрухсорли ёримни.
Ҳеч ҳам парво қилмасам,
Чертолмасам торини.

Эй, кўнглимнинг гулисан,
Париваш ой гўзалим.
Ҳаётимнинг йўлисан,
Сўзлари бол, асалим.

Сени жондан севувчи,
Ёринг ўзим бўламан.
Йўлингдаги йўловчи,
Зоринг ўзим бўламан.

Рашкимга чида, ёрим,
Қизғонсам ўнг-сўлимдан.
Сенсан гули рухсорим,
Асло қўрқма ўлимдан.

Сен учун жон берувчи,
Бир ошиқ шайдойингман.
Гулим, комат кERGувчи,
Ишқингда адоингман.

Гуллар тердим саралаб,
Кўлларингга тутайин.
Дилни кўйдим яралаб,
Майли оғу ютайин.

Мажнун бўлдим ишқингда,
Саҳроларни оралаб.
Адо қилдим рашқингда,
Юрагимни яралаб.

МЕН БУГУН ИЗЛАДИМ

Мен бугун изладим узоқ манзилни,
Афсус, бу манзилга ета олмадим,
Кўтарай дедим-у, оғир ҳазилни,
Дўстлар ҳазил қилса кўтаролмадим.

Билмайман бу кўнгил нени истайди,
Нени истар ахир, менинг бу дилим.
Юрак дардларимни шамол билсайди,
Балки мен шамолга айтардим сирим.

Юрак дардларимни тингламас ҳеч ким,
Булутлар тингламай кўйди-ку мени.
Кўнглим ҳеч нарсани истамас балким,
Балки истаб қолар кечаги кунни.

Афсус, энди бунинг фойдаси йўқдир,
Фойдали нарсани ўйла эй кўнглим,
Армон ҳам кўксимга, қадалган ўқдир,
Буни энгиш учун ёрдам бер, ўлим.

Балким, менга ёрдам берарсан бир бор,
Ўшанда менинг ҳам бўлар кўнглим шод,
Балким дардларимни айтарман ошқор,
Кўнглимни эшитиб йиғларсан бот-бот.

Мен бугун изладим омадни, бахтни,
Афсус, икксини тополмас бўлдим,
Лекин топдим-у, олий хилқатни,
Уни ҳам йўқотиб гул каби сўлдим.

МЕҲР КЎРСАТ

Йўлида йиқилган инсонни кўрсанг,
Югуриб бориб сен қўлидан тутгин.
Бемор инсонларнинг ахволин сўрсанг,
Қариндошларингни бир йўқлаб ўтгин.
Барча инсонларга сен меҳр кўрсат,
Меҳр кўрсатиш ҳам олий бир ҳиммат.

Бу азобли дунё бизни қийнайди,
Гоҳ эса ҳижроннинг аччиқ кунлари.
Тақдирчи аслида бизни синайди,
Алам билан кутар ҳар бир танлари.
Барча инсонларга сен меҳр кўрсат,
Меҳр кўрсатиш ҳам олий бир ҳиммат.

САҲРО БОЛАСИ

Шуъла сочар йўлга чироқдек,
Ташвишлари рангли бўёқдек.
Танда қони ёзар сиёҳдек,
Юракдадир куй нолалари,
Биз саҳронинг чўғ болалари.

Ширин сўзли дилида калом,
Элбой ёзар дўстларга салом.
Шеърятдан кетолмас бир он,
Ҳаётида оқ қоралари,
Биз саҳронинг чўғ болалари.

Изланишдан тўхтамай бир зум,
Латофатхон сўзлари сўлим.
Шеърятдан топган ўз йўлин,
Баланд чўққи гул лолалари,
Биз саҳронинг чўғ болалари.

Ўзгаларга қилмайди ҳасад,
Асилбекнинг сўзи ҳақиқат.
Ижодимиз яшайди абад,
Юракдадир кўз жолалари,
Биз саҳронинг чўғ болалари.

Биз боғладик ижод йўлимиз,
Ишонч ила покдир дилимиз.
Кўпдир сизга айтар сиримиз,
Чин тилақдан дил толалари,
Биз саҳронинг чўғ болалари.

БУНИ ҲАЁТ ҚИСМАТИ ДЕРЛАР

Агар инсон йўлин йўқотса,
Бир умга ғуссага ботса,
Яқин дўстинг душманга сотса,
Буни ҳаёт қисмати дерлар.

Юрак бағри эзилган одам,
Қалб-қўрини тушунмас олам.
Юрагида не дард-у ситам,
Буни ҳаёт қисмати дерлар.

Меҳр излар меҳри йўқдан ҳам,
Юрагида бўлсада алам.
Нур кидирар сеҳри йўқдан ҳам,
Буни ҳаёт қисмати дерлар.

Нима бўлса бўлади тақдир,
Лек тақдирни билмаймиз ахир.
Ҳаётимиз кечади оғир,
Буни ҳаёт қисмати дерлар.
Юрагингда оғир дард бўлса,
Қалбинг ғаму қайғуга тўлса.
Юзинг аста сарғайиб сўлса,
Буни ҳаёт қисмати дерлар.

Азоб чекиб ўзни унутсанг,
Интиқ бўлиб яқининг кутсанг.
Умр бўйи қайғуда ўтсанг,
Буни ҳаёт қисмати дерлар.

Юрагингда не дарду не ғам,
Кўнглинг ҳеч ким ололмаса ҳам.
Сенинг дардинг тушунмас олам,
Буни ҳаёт қисмати дерлар.

Изтиробда ўтса кунларинг,
Доим шундай ўтар тунларинг.
Йиғлаганинг, оҳлар урганинг,
Буни ҳаёт қисмати дерлар.

ЮРТИМНИ КУЙЛАЙ

Дунёга донг таратади ўзбек навоси,
Юракларни яйратади унинг садоси.
Бухоро-ю Самарқанднинг ажиб ҳавоси,
Андижону Тошкентнинг мадҳидан сўйлай,
Бугун жўшиб юрагимдан юртимни куйлай.

Ҳеч бир юртдан қолишмайди Жиззах, Хоразм,
Ахир қайси юртдан камдир Сурхон-у азм.
Бу юртларнинг барчасига қиламан таъзим,
Қашқадарём гўзаллигин чин дилдан сўйлай,
Бугун жўшиб юрагимдан юртимни куйлай.

ҲАЛИ ҲАЁТ ОЛДИНДА

Яхшилик қилишни истасанг агар,
Йўлларинг доимо бўлсин бехатар.
Кўлингдан келганча яхшилик қилгин,
Яхши инсонларнинг кўнглини билгин,
Яхшилик қилишни истасанг агар.

Сени хаёт кутар, келажак кутар,
Оқиб сув мисоли бу кунлар ўтар.
Хаётингдан ҳеч ҳам нолима, инсон,
Хаётинг доимо бўлсин фаровон,
Сени хаёт кутар, келажак кутар.

Эл-юрт олдида бошинг баланд тут,
Ёлгончи касларнинг ваъдасин унут.
Элингга, юртингга содиқ фарзанд бўл,
Юрт сенга суянгай ўшанда буткул,
Эл-юрт олдида бошинг баланд тут.

Ҳали бу хаётинг олдинда сенинг,
Олдинда турибди аҳдли кунларинг.
Эл-юрт ишончин оқлагин, фарзанд,
Бемор инсонларни йўқлагин фарзанд,
Ҳали бу хаётинг олдинда сенинг.

КЎЗЛАРДА ЁШ

Хайр демоқ биз учун қанчалар оғир,
Қанчалар мунгли ва қанчалар маъсум.
Нега айирмоқда бизларни тақдир,
Юзингда кўриб бир бор табассум,
Фалақдан кузатар бизларни куёш,
Мана бугун менинг кўзларимда ёш.

Гулгун чехрангни эслаганим чоғ,
Тақдир ўйинини билдим шу заҳот.
Тақдир ҳазилига тан бердик бироқ,
Дўстлардан айрилмоқ бу қандай хаёт,
Бизлар йиғлаймиз-у беролмай бардош,
Мана бугун менинг кўзларимда ёш.

Буларнинг барига бардош берамиз,
Тақдирга тан бериб яшаймиз энди.
Юрак бағримиз эзилди ахир,
Бугун хайрлашиш фурсати келди.
Бахтиёр дамларни эсланг, синфдош,
Мана бугун менинг кўзларимда ёш.

БУНЧА ҒАМГИНСИЗ

Тўққиз йил мактабда бирга ўқидик,
Тўққиз йил ичида қалин дўст бўлдик.
Тўққиз йил ичида ўйнадик, кулдик,
Дўстларим, сиз нега бунча ғамгинсиз.

Бугун айирмоқда бизларни тақдир,
Бугун чин дўстлардан айирмоқдадир.
Тақдирга тан бериб бўлганмиз ахир,

Дўстларим, сиз нега бунча ғамгинсиз.

Мен доим сизларга тилайман омад,
Доимо сиз юринг соғ ва саломат.
Сизни қўмсаб дунёда яшайман абад,
Дўстларим, сиз нега бунча ғамгинсиз.

Кўз очиб юмгунча болалик ўтди,
Бизларни болалик ташлаб ҳам кетди.
Беғубор болаликни эслангиз энди,
Дўстларим, сиз нега бунча ғамгинсиз.

МЕНИНГ ДЎСТЛАРИМ

Дўстларим шунчалик меҳрибон менга,
Сиз туринг, дўстларим, дунё тургунча.
Ишонинг, мен сизга чин дўст бўламан,
Энг эзгу тилакни тилаб қоламан.

Сиздек дўстларимдан жуда хурсандман,
Сиз борсиз дунёда мен ҳам бахтлиман.
Сизни яратганинг ўзи учратди,
Дўст сўзин нелигин менга ўргатди.

Яратгандан яна сўрайман шуни,
Ҳар доим соғ-омон юришингизни.
Ғамингизни бирга баҳам кўрамыз,
Дўстлар билан бирга даврин сурамыз.

Дўстларим, сизлардан битта илтимос,
Келажакда унутманг бир дўстингизни.
Чунки биз ожизмиз, ожиз бандамыз,
Бизни айирмоқда тақдир ҳазили.

Болалигимизда шўх-шодон эдик,
Ўшанда ҳаммамиз бирга ўйнардик.
Унутиш осонмас бундай дўстликни,
Унутиб бўлмайти шод-хурсандликни.

Сизлар менинг доим қалбимдасизлар,
Мен учун азизлар, эй азиз дўстлар.
Сизни деб дунёда яшайман абад,
Яшайман сўнгги дамимга қадар.

ҲАЁТ

Бунчалик гўзалсан, гўзалсан ҳаёт,
Сен ҳаёт қадрига етгин одамзот.
Ҳаётни қадрла, қадрла ҳар дам,
Ёниб бу ҳаётда яшайди одам.

Бу ҳаётда яхши-ёмон кунлар бор,

Инсоннинг кўнгли шундай беғубор.
Ёмон кунингда ҳам чидагин ҳар он,
Ҳаётнинг қадрини қадрла, инсон.

УРУШ БЎЛМАСИН

Уруш деб инсонлар кўп қонлар ютди,
Уруш деб инсонлар зор йиғлаб ўтди.
Оналар фарзандин интизор кутди,
Урушни дунёда ҳеч зот кўрмасин.

Урушда қатнашган ўғлонлар қани,
Уруш деб қон ютган полвонлар қани.
Тинчликни йўқлаган инсонлар қани,
Урушни дунёда ҳеч зот кўрмасин.

Ўтганлар руҳлари доим шод бўлсин,
Гулласин, яшнасин, юрт обод бўлсин.
Мустақил диёрим нурларга тўлсин,
Урушни дунёда ҳеч зот кўрмасин.

Тинчлик дея яшасин дунёда инсон,
Соф, мусаффо бўлсин шу мовий осмон.
Олға қадам қўйсин ҳур Ўзбекистон,
Урушни дунёда ҳеч зот кўрмасин.

БАҲОРНИ ҚУТЛАЙИН

Атрофга термулиб кўзинг тўймайди,
Баҳорда барчанинг дили яйрайди,
Менинг боғимда ҳам булбул сайрайди,
Баҳорни қутлайин чин дилим билан.

Ердан бош кўтариб чиқди бойчечак,
Бинафша ниш урди очилиб куртак,
Барчага бу фасл бўлсин муборак,
Баҳорни қутлайин чин дилим билан.

Баҳорни юракдан соғинган эдик,
Мана орзумизга бизлар ҳам етдик.
Бу кўклам фаслни интизор кутдик,
Баҳорни қутлайин чин дилим билан.

ЎШАНДА ДАРДИНГИЗ КИМГА АЙТАСИЗ

Маломат тошлари бошга ёғилса,
Кимлардир йиғласа, кимдир куйласа,
Аччиқ изтироблар юракни эзса,
Ўшанда дардингиз кимга айтасиз?

Билмасдан иш қилиб қўйсангиз ногоҳ,
Бу ишлар аслида бўлади гуноҳ.
Бундайин ишларни кечирмас Оллоҳ,
Ўшанда дардингиз кимга айтасиз?

Ғам ютиб яшамоқ қанчалар қийин,
Икки оламга ҳам сиғмайсиз тайин.
Ёмон иш қилдингиз, лекин билмайин,
Ўшанда дардингиз кимга айтасиз?

Юзингизда кулгу, юрак тўла ғам,
Бошингизга кулфат ёғилар ҳар дам.
Бундан қутулишни билмайсиз ҳеч ҳам,
Ўшанда дардингиз кимга айтасиз?

ЎЗБЕГИМ ЎҒЛОНЛАРИ

Ватан деб жон тиккан ўзбек ўғлони,
Ватанни асрамоқ унинг иймони,
Ўзбек ўғлонлари ватан деб яшар,
Юртини қанчалик севади улар.

Ватанга содиқдир ўзбек ўғлони,
Элини тинч сақлаш шавкати, шони.
Темур бобомизнинг авлоди улар,
Доим бобомиздек мард, жасур бўлар.

Бу азиз юртинам тинчдир ҳамиша,
Эй инсон, ватандан нолима сира.
Ўзбек ўғлонлари юртни асрагай,
Юртим улар билан гуллаб яшнагай.

ОНАЛАР

Оналар кўнглини оғритманг ҳеч ҳам,
Оналар биз учун энг азиз инсон,
Онанинг гапига қулоқ сол ҳар дам,
Онанинг айтганин адо эт ўғлон.

Фарзандин ғамини ўйлайди она,
Бетоб бўлганингда доим парвона.
Фарзанди йиғласа кўнгил кўтарар,
Ўксима болам деб бағрига босар.

Оналар сўзида қанча маъно бор,
Оналар қалбида меҳр лиммо-лим.
Уларнинг кўнгли гулдай беғубор,
Онанинг ўрнини босолмас ҳеч ким.

Онанинг қалбига берманг сиз озор,
Онанинг кўнглини оғритманг зинҳор.
Оналар шундайин мўътабар инсон,
Онанинг айтганин адо эт ўғлон.

Оналар ҳамиша кулиб юрсинлар,
Оналар бизларни дуо қилсинлар.
Ҳамиша оналар соғ-омон бўлсин,
Бахтимизга доим улар бор бўлсин.

МУАЛЛИМ

Меҳрдан яралган орзу муаллим,
Жилмайиб турувчи кулгу муаллим,
Ота-онанг каби улуғ муаллим,
Доимо қадами қутлуғ муаллим.

Шундай улуғ зотни яратди Оллоҳ,
Устознинг қадрига етмаслик гуноҳ.
Қўлласин доимо уларни Оллоҳ,
Қалби дарё мисол, бир чўғ муаллим.

САМОГА ЕТСАМ

Самоларни қучгим келади,
Оққуш бўлиб учгим келади.
Орзуларим майин елади,
Самоларга етармикинман?

Шамол каби учсам баландга,
Тўхтатолмас мени аланга.
Ниятимга етсам майлига,
Самоларга етармикинман?

Шамол билан гаплаша олсам,
Қушлар билан сирлаша олсам.
Булут билан бирлаша олсам,
Самоларга етармикинман?

Шамол майин сочим силайди,
Қушлар эса кўнглим сўрайди.
Булутлар-чи мадад тилайди,
Самоларга етмас бўлдим, оҳ,
Жаҳонни сайр этмас бўлдим, оҳ.

БОЛАЛИК

Кўчалар чангитиб юрган чоғларим,
Сени эсга олдим, азиз болалик.
Болаларга боқсам келар ҳавасим,
Бизни ташлаб кетдинг, эссиз, болалик.

Ўйнадим, қувнадим қучоғингда мен,
Хаёл ичра ёндим ўчоғингда мен.

Жавоб беролмадим сўроғингга мен,
Оқар сув мисоли ўтди болалик.

Баҳорга ўхшардик ўшанда бизлар,
Шўх эдик ҳаммадан биз ўғил-қизлар.
Аммо қолмадику болалик излар,
Ширин тушлар мисоли ўтди болалик.

Ғам-қайғу бизлардан, кўп йирок эди,
Шам мисол ёнувчи бир чирок эди.
У дамларда бизлар зўр иноқ эдик,
Қайтиб кетмас бўлиб кетди болалик.

БАҲОР КЕЛГАНДА

Баҳор келганда болалик қайтар,
Булбул ҳам сайраб ўз созин айтар.
Келақол, баҳорим, келгин элимга,
Мен сени чорлайман азиз халқимга.

Бунчалар гўзалсан фусункор баҳор,
Хаёлим тортасан кўкларларингга.
Жилғалар тагидан оқади анҳор,
Хур келиб йиқилсин қадамларингга.

Чинакам дўстимсан ўзинг, баҳорим,
Гулларга қаратиб олдинг хаёлим.
Кўнгиш ҳам яйрайди баҳор келганда,
Булбул ҳам сайрайди баҳор келганда.

Менинг дилимдаги дилкашим ўзинг,
Дардим тинглагувчи дардқашим ўзинг.
Баҳор сен келганда кўкка учардим,
Иссиқ бағрим ила ойни кучардим.

Баҳорда ҳаммаёқ гўзал ва кўркам,
Баҳор сен шунчалик бўлмасанг кўркам.
Интиқ қилиб куттирма майлими мени,
Тезроқ келгин, баҳор, соғиндим сени.

ЯНГИ ЙИЛ

Ҳамма фаслнинг ўз беағи бор,
Қиш фаслида эса дала оппоқ қор.
Янги йилда арча безаниб турар,
Арча атрофини болалар ўрар.
Ўзгачадир бугун менинг замоним,
Янги йил муборак, Ўзбекистоним!

Кўз очиб юмгунча мен севган фасл,
Қутлуғ дамга етиб келди янги йил.

Хуш келибсан менинг гўзал юртимга,
Мен сени чорлайман азиз халқимга.
Ўзгачадир бугун менинг замоним,
Байраминг муборак, Ўзбекистоним!

УСТОЗ УЛУҒДИР

Устозни ҳаммадан улуғ деганлар,
Мўътабар деганлар, азиз деганлар.
Кўлингга илк бора тутқазиб қалам,
Тўғри йўл кўрсатган устоз деганлар,
Устозинг гапига киргин, ўқувчи,
Устоз айтганларининг ҳаммаси тўғри.

Устоз ҳам тер тўкиб ўқитган бизни,
Кўнглини оғритманг устозингизни.
Устозлар гапини адо этайлик,
Устозлар йўлидан биз ҳам кетайлик.
Устознинг гапига киргин, ўқувчи,
Устоз айтганларининг ҳаммаси тўғри.

Устознинг дили пок, кўнгли ёруғдир,
Устоз мўътабардир, устоз улуғдир.
Бор билимни берар ўқувчиларга,
Устознинг қадами доим кутлуғдир.
Устознинг гапига киргин, ўқувчи,
Устоз айтганларининг ҳаммаси тўғри.

ЙИҒЛАГИМ КЕЛАР

Оғир изтиробдан бағрим эзаман,
Дунёда ўзимни ёлғиз сезаман.
Баъзида қийналиб кетган пайтимда,
Аламли дунёдан умид узаман.
Гоҳида қалбимни тинглагим келар,
Менинг тўйиб-тўйиб йиғлагим келар.

Аччиқ савол бериб ўзни қийнайман,
Қийналган инсоннинг бошин силайман.
Инсонлар дардига малҳам ахтариб,
Уларга доимо иқбол тилайман.
Гоҳида кўп дардни тинглагим келар,
Менинг тўйиб-тўйиб йиғлагим келар.

Инсонни қийнаркан азоб-уқибат,
Ғам ютиб яшамок қийиндир албат.
Лек буларга қандай топилар чора,
Гоҳида топилмас айтгани ҳамдард.
Инсонлар дардини тинглагим келар,
Менинг тўйиб-тўйиб йиғлагим келар.

ДЎСТЛАРИМГА ТИЛАГИМ

Эй азиз дўстларим, азиз дўстларим,

Соғ-саломат юринг шудир тилагим.
Сизларга энг эзгу бахтни тилайман,
Яратгандан фақат шуни сўрайман.

Ёмон йўлга кириб кетманг, дўстларим,
Фақат сизларни деб урар юрагим.
Сизлар соғ бўлсангиз порлоқдир йўлим,
Сизлар билан гуллаб яшнайти юртим.

Мевазор боғларим яшнайти ҳали,
Баҳорда гуллайди дарахт гуллари.
Баҳорга ўхшайсиз, дўстларим, сизлар,
Дўстларим, сизлар ҳам баҳордексизлар.

Бахтиёр дамларни эслаймиз энди,
Болалик бир зумга шамолдек елди.
Сизлар билан ўтган чоғимни эслаб,
Бугун кўзларимга ёшлар ҳам келди.

Катта ишда ишлаб ходим бўлинглар,
Оламга танилиб олим бўлинглар.
Сизларга улкан бир бахтни тилайман,
Яратгандан фақат шуни сўрайман.

АЁЛЛАР

Аёллар, аёллар улуг аёллар,
Мўътабар аёллар, азиз аёллар.
Кулса чехрасида гулгун табассум,
Фарзандин бағрига босиб турар жим.

Аёллар шундайин мўътабар зотлар,
Фарзандига бахту саодат тилар.
Дунёда ҳаммадан тенгсиздир аёл,
Юракда туганмас қолади савол.

Аёлни куёшга тенг қилар олам,
Куёш ҳам иситар бизларни ҳар дам.
Аёл ҳам иситар ўз дилбандини,
Фақат ўйлар аёл жон фарзандини.

Дунёда болам деб яшайди аёл,
Дунёнинг тенгсизи ахир бу аёл.
Дунёда бор бўлсин аёл деган ном,
Аёллар ҳамиша юрсин соғ - омон.

Ташаккур айтаман аввал аёлга,
Ташаккур, аёллар ташаккур сизга.
Дунёда ҳеч банда, сизга тенг келмас,
Аёллар қадрини айтинг ким билмас.

Аёл деганда олам қувонар,
Аёл деганда одам суюна.

Яшасин дунёда аёл деганлар,
Бор бўлсин дунёда аёл деганлар.

ЯХШИЛИК ҚИЛГИН

Ташвиш ёғилганда биров бошига,
Югуриб боргин сен унинг қошига.
Ўшанда дардини айтади сенга,
Инсонларга сен ҳам яхшилик қилгин.

Дўстинг аҳволидан хабар олиб тур,
Хатто душманингни ўз дўстинг деб бил.
Доимо ўртоғинг аҳволини сўр,
Дўстларингга ҳар дам яхшилик қилгин.

Яхшилик қилсанг гар яхшилик қайтар,
Барча инсон сенга дардини айтар.
Ўшанда сени ҳам мўъжиза кутар,
Қўлингдан келган дам яхшилик қилгин.
Бу ёруғ дунёда яхши ном қолдир,
Бизнинг дунёда ҳам яхшилар кўпдир.
Яхшилар кўп учун юртимиз тинчдир,
Яхши бўлай десанг яхшилик қилгин.

Меҳрли бўлгин сен барча инсонга,
Дўстгинам, тенг бўлма асло ёмонга.
Бировнинг кўнглини зинҳор ранжитма,
Уларга ҳар қадам яхшилик қилгин.

ИНСОН

Оғир дардни ичга ютасан,
Азоб билан яшарсан ҳар он.
Машаққатдан қандай ўтасан,
Кимдан мадад кутарсан, инсон?

Ғарибгина ҳолингга қараб,
Юраккинам эзилди ё раб.
Юртинг учун қоларсан яраб,
Кимдан мадад кутарсан, инсон?

Оллоҳ албат қўллагай бир кун,
Бедор бўлиб ўтасан ҳар тун.
Бўғзинг ичра туғилар бир ун,
Кимдан мадад кутарсан, инсон?

Бир кун ёруғ кунлар келади,
Умр эса сувдек елади.
Дардларингни Оллоҳ билади,
Ундан мадад кутарсан, инсон?

ЙИҒЛАМАНГ

Доимо шеърингиз ёнингиздадир,
Сиз ўқиган сатрлар ёдингиздадир.
Мен шуни истайман дунёда бироқ,
Айтган гапларимга солинг сиз қулоқ.
Йиғламанг, кўзингиз ёшга тўлмасин,
Юзингизда ҳеч ҳам қайғу бўлмасин.

Дўстгинам, ёмон билан бўлманг сиз ўртоқ,
Яхши билан дўстлашинг фақат яхшироқ.
Ҳеч қачон ёмоннинг кетидан борманг,
Нодон инсонларга кўнглингиз ёрманг.
Йиғламанг, кўзингиз ёшга тўлмасин,
Юзингизда ҳеч ҳам қайғу бўлмасин.

Йўлингиз ёритсин ҳамиша зиё,
Боқинг, гўзал эрур бу ёруғ дунё.
Кулиб яшаб қолинг, эй азиз ўртоқ,
Айтган насиҳатим унутманг бироқ,
Йиғламанг, кўзингиз ёшга тўлмасин,
Юзингизда ҳеч ҳам қайғу бўлмасин.

АЖДОДЛАРНИ ЭСЛАБ

Қанча оғир кунни ўтказган,
Нур зиёмсан эй она диёр.
Қўлларимга қалам тутқазган,
Аждодларнинг ҳиссаси ҳам бор.

Қанча қонни кечиб боболар,
Тинчлик деган номга етибди.
Фарзандларин кутган момолар,
Оғир дардни ичга ютибди.

Энди порлар бахтнинг куёши,
Пойимизга нурларни сочиб.
Аждодларнинг тўккан кўз ёши,
Дарё бўлган денгиздан тошиб.

Гулга тўлсин ҳур Ўзбекистон,
Мен номингга битайин баёт.
Ватанимни танисин жаҳон,
Аждодларнинг руҳи бўлсин шод.

УНИ СОҒИНДИМ ФАҚАТ

Уни шундай суярдим,
Қизғонардим, қуярдим.
Азобли бу ҳижроннинг,
Кўчасидан юардим.

Йиллар ойлар ўтди-ю,
Ёр висолга етишди.

Ўзга билан кетди-ю,
Қалбим вайрон этишди.

Юрак йиғлар зорланиб,
Чидолмайди фалак ҳам.
Билмам недан орланиб,
Сарсон бўлди юрак ҳам.

Куйдирди-ю кўнглимни,
Дилдан кетди муҳаббат.
Ўйламади бу дилни,
Уни соғиндим фақат.

МУҲАББАТДАН ЖУДО ҚИЛМА

Майли мен розиман бахтдан жудо қил,
Майли мен розиман тахтдан жудо қил,
Бунга ҳам розиман аҳддан рози қил,
Мени қўллагайсан ҳар кун, ҳар доим,
Муҳаббатдан жудо қилма, Худойим.

Муҳаббат қалбимга қадалган ўқдир,
Бу ўқни олишга кучим ҳеч йўқдир.
Қалбим бир оловдир, қўлларим чўғдир,
Ёруғ кунга мени етказ илойим,
Муҳаббатдан жудо қилма, Худойим.

Муҳаббат ўхшайди оқар дарёга,
Интилиб яшайди фақат зиёга.
Баъзида туш билиб учар рўёга,
Учирмай ушлайин сени ҳар доим,
Муҳаббатдан жудо қилма, Худойим.

Қўлимдан келмайди ҳеч нарса менинг,
Қўлингдан келади, Аллоҳим сенинг.
Баъзида топилар чораси бунинг,
Буни ҳам чорасин топгин илойим,
Муҳаббатдан жудо қилма, Худойим.

Бундан оғир жазо бормикан менга,
Дунё ҳам кўзимга тормикан менга.
Аянчли йўлларчи зормикан менга,
Йўқ, асло зорланмай яшайин доим,
Муҳаббатдан жудо қилма, Худойим.

МУНДАРИЖА

Ёшлар.....	
Устозим.....	
Сизни кўмсаб.....	
Азиз устозлар.....	
Санамжон.....	
Шуми дўстга садоқат.....	
Шоир бўлиб туғилмас.....	
Қишлоқ боласи.....	
Рашким ёмон.....	
Мен бугун изладим.....	
Меҳр кўрсат.....	
Сахро боласи.....	
Буни ҳаёт қисмати дерлар.....	
Юртимни куйлай.....	
Ҳали ҳаёт олдинда.....	
Кўзларда ёш.....	
Бунча ғамгинсиз.....	
Менинг дўстларим.....	
Ҳаёт.....	
Уруш бўлмасин.....	
Баҳорни қутлайин.....	
Ўшанда дардингиз кимга айтасиз.....	
Ўзбегим ўғлонлари.....	
Оналар.....	
Муаллим.....	
Самога етсам.....	
Болалик.....	
Баҳор келганда.....	
Янги йил.....	
Устоз улугдир.....	

Йиғлагим келар.....
Дўстларимга тилагим.....
Аёллар.....
Яхшилик қилгин.....
Инсон.....
Йиғламанг.....
Аждодларни эслаб.....
Уни соғиндим фақат.....
Муҳаббатдан жудо қилма.....

